

Халқ депутатлари Ўзбекистон туман Кенгашига сайлов ўтказувчи сайлов комиссиясининг таркибини тасдиқлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 24-моддаси ҳамда Сайлов кодексининг 19-моддасига асосан Халқ депутатлари Ўзбекистон туман кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Бешинчи чақириқ Халқ депутатлари Ўзбекистон туман Кенгашига сайлов ўтказувчи туман сайлов комиссияси ваколати тугатилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Олтинчи чақириқ Халқ депутатлари туман Кенгашига сайлов ўтказувчи туман сайлов комиссияси қуйидаги таркибда тузилсин:

| № | Фамилияси, исми ва отасининг исми | | Иш жойи ва лавозими |
|----|--------------------------------------|---|------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| 1. | Шерматов Комилжон | - | Ўзбекистон тумани ҳокимлиги муассисаи “Яйпан овози” газетаси бош муҳаррири |
| 2. | Маматқулов Исмоилжон Аъзамович | - | “Ўзагросуғурта” давлат акционерлик компанияси Ўзбекистон туман бўлими раиси |
| 3. | Аъзамов Зиёдулло Фурқатжон ўғли | - | Ўзбекистон тумани ҳокимлиги ИЖТ кўникма маркази мутахассиси |
| 4. | Мадрахимова Хулкар Ғуломовна | - | “Соғлом авлод учун” хайрия фонди вилояти ҳудудий филиали раиси Ўзбекистон тумани таянч пункти директори |
| 5. | Шамсиддинов Бахтиёржон Абдурайимович | - | Ўзбекистон тумани халқ таълими бўлими мудири ўринбосари |
| 6. | Маҳкамова Зилолаҳон Абдубориевна | - | Ўзбекистон тумани 1-мактаб директори |
| 7. | Позиллов Орибжон Махаматович | - | Ўзбекистон Ёнғинга қарши кураш ҳурмати Ўзбекистон тумани ҳудудий бўлими раиси |
| 8. | Норматова Одинаҳон Солиевна | - | Ўзбекистон тумани 1-мактаб директори ўринбосари |
| 9. | Жўраев Музаффар Олимович | - | Ўзбекистон тумани истеъмолчилар ҳурмати химоя қилиш жамияти раиси |

3. Халқ депутатлари туман Кенгашига сайлов ўтказувчи туман сайлов комиссиясига комиссия раиси, ўринбосари ва котибини сайлаш тавсия этилсин.

4. Ушбу қарор Халқ депутатлари Ўзбекистон туман Кенгашига сайлов ўтказувчи туман сайлов комиссиясига юборилсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Халқ депутатлари туман Кенгашининг Қонунийликни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш бўйича доимий комиссияси раиси У.Каримов зиммасига юклатилсин.

6. Мазкур қарор матбуотда эълон қилинсин

2019-10-12 11:49:21